

Birgalikda ijtimoiy davlat sari!

№28

2024-yil  
17-iyul, chorshanba

1918-yil  
21-iyundan chiqa boshlagan



# O'zbekiston O'vozi

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

t.me/uzbekiston\_ovozi | facebook.com/uzbekistonovozi | instagram.com/uzbekiston\_ovozi | www.uzbovozi.uz | info@uzbovozi.uz



## ЯХШИ ҚОНУН ҲАММАГА МАЪҚУЛ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг фаолиятини кузата туриб, қизиқ ҳолатларга дуч келади киши. Баъзи қонун лойиҳалари биринчи ўқишнинг ўзида бир неча марта қонун ижодкорларига қайтарилса, яна бошқалари ҳар бир ўқишда катта муҳокамаларга сабаб бўлиб, узоқ



тортишувлар, фикр алмашувлар остида кейинги босқичга ўтади. Лекин шундай қонунлар ҳам борки, бир йиғилишнинг ўзида бирданига учта ўқишдан ўтиб, Сенатга юборилади.

2

✓ XDP ташаббуси

## БОЛАЛАРДАН АЯМАЙЛИК

2016 йили қиш-қировли кунда темирйўл станциясида шитоб билан келаётган поездни кутиб турган япониялик ўқувчи қиз сурати дунё етакчи нашрларида босилиб чиқди ва жаҳон жамоатчилигининг бирдек диққатини тортди. Сурат изоҳида Япониянинг Хоккайдо оролидаги Ками-Сиратаки темирйўл станцияси биргина йўловчи – шу ўқувчи қиз учун ишлаётгани келтирилганди.



4

✓ Сиёсий пульс



## ФАРФОНА МАРРАНИ БАЛАНД ОЛГАН

4

✓ Мавзуга қайтиб

## Узун туман ҳокимлигининг ХАСПЎШЛАНГАН МУНОСАБАТИ

ГАЗЕТАМИЗНИНГ ШУ ЙИЛ 3 ИЮЛЬ СОНИДА "ЮТМАГАНГА ЙЎЛ ЙЎҚМИ?" САРЛАВҲАЛИ МАҚОЛА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАНДИ. ТАНҚИДИЙ-ТАҲЛИЛИЙ ЧИҚИШДА УЗУН ТУМАНИДАГИ "ҚЎШҚОҚ" ҚИШЛОҒИГА ЭЛТУВЧИ БЕШ КИЛОМЕТРДАН ОРТИҚ ЙЎЛ ЮЗ ЙИЛДАН БУЁН АСФАЛТ ҚИЛИНМАГАНИ КЎПЛАБ ЭЪТИРОЗЛАРНИ КЕЛТИРИВ ЧИҚАРАЁТГАНИ ҲАҚИДА СЎЗ ЮРИТИЛГАНДИ.

✓ Фахрийлар мактаби



## БЕРДИЕВ

### ЯРАТГАН ИБРАТ

Донишмандларнинг айтишларига қараганда, катта-кичikka етакчи бўлиш ҳаммага ҳам насиб этмайди. Қишлоқда яшаб улғайган Имомқул ака Бердиев бу иноятдан баҳраманд бўлди. У ўзи туғилиб ўсган, бугун ҳам умргузаронлик қилиб келаётган "Беклар" маҳалласини Ўзбекистонга танитди.

6

✓ Электорат манфаати

## ЭНДИ БОШҚАЧА БЎЛАДИ

2019 йили "Янги Ўзбекистонда янги сайловлар" шиори остида парламент ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтган сайловда Ўзбекистон Халқ демократик партияси бир қатор муҳим ташаббусларни қамраб олган Сайловолди дастурини тақдим этган эди. Орадан 5 йил ўтди ва, мана, навбатдаги сайлов оstonасида турибмиз.

✓ Қадрият



## БУЮК ТАМАДДУНГА ВОРИСЛИК: БУРЧ ВА МАСЪУЛИЯТ

Сир эмас, Ватанимизнинг турли даврларида жаҳоншумул цивилизациялар, йирик империялар, ҳавас қилса арзигулик шаҳарлар ва бебаҳо меъморий обидалар вужудга келган. Айниқса, буюк аждодларимиз қолдирган бебаҳо маданий мерос дурдоналари бугун нафақат юртимизда, балки дунёнинг турли нуқталарида, хориж тўпламлари, жамғармалари, кутубхона ва музейларида сақланмоқда.

5

## PARLAMENT FAOLIYATI

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING ФАОЛИЯТИНИ КУЗАТА ТУРИБ, ҚИЗИҚ ҲОЛАТЛАРГА ДУЧ КЕЛАДИ КИШИ. БАЪЗИ ҚОНУН ЛОЙИХАЛАРИ БИРИНЧИ ҲАММАДА БИР НЕЧА МАРТА ҚОНУН ИЖОДКОРЛАРИГА ҚАЙТАРИЛСА, ЯНА БОШҚАЛАРИ ҲАР БИР ҲАММАДА КАТТА МУҲОКАМАЛАРГА САБАБ БЎЛИБ, УЗОҚ ТОРТИШУВЛАР, ФИКР АЛМАШУВЛАР ОСТИДА КЕЙИНГИ БОСҚИЧГА ҲАМ БОРКИ, БИР ШУНДАЙ ҚОНУНЛАР ҲАМ БОРКИ, БИР ЙИГИЛИШНИНГ ҲАММИДА БИРДАНИГА УЧТА ҲАММИДА ҲАММИДА СЕНАТГА ЮБОРИЛАДИ. ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING КЕЧА БЎЛИБ ҲАММИДАГИ ЙИГИЛИШИДА ОИЛАВИЙ (МАИШИЙ) ЗЎРАВОНЛИКЛАРДАН ҲИМОЯЛАШ ЧОРАЛАРИ КУЧАЙТИРИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ҲАММИДАГИ НАЗАРДА ТУТУВЧИ ҚОНУН ЛОЙИХАСИ МУҲОКАМАСИДА ШУНДАЙ ҲОЛАТ СОДИР БЎЛДИ.



# ЯХШИ ҚОНУН ҲАММИДАГИ МАЪЖУЛ

## ХЎШ, НЕГА?

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, дунёдаги ҳар учинчи аёлга ўз умр йўлдоши томонидан жисмоний тазйиқ ўтказилади. Тазйиқ ва зўравонлик оқибатида аёллар ўлими билан боғлиқ ҳолатларнинг 38 фоизда эр ёки бирга рўзгор қуриб яшаётган шахснинг айби бўлади.

Мамлакатимизда 2023 йил ва жорий йилнинг май ойига қадар содир этилган 894 та оилавий (маиший) зўравонлик билан боғлиқ жиноятларнинг 55,6 фоизи, яъни 506 таси тарафлар ярашганлиги муносабати билан тугатилган бўлса, қолган 44,4 фоизи, яъни 388 таси бўйича суд томонидан тегишли жазолар тайинланган. Шу билан бирга бугун жамиятимизда оилавий зўравонликлардан болаларни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш ҳам кун тартибидоги масалалардан бирига айланган сир эмас.

Амалдаги нормада эр-хотин ёки оилада бирга яшовчи бошқа шахсларга нисбатан оилавий (маиший) зўравонлик қилганлик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган бўлса-да, бу ҳаракатларни болага нисбатан содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилмаган эди.

Қонун лойиҳасида Жиноят кодексининг оилавий (маиший) зўравонлик тўғрисидаги 126-1-моддаси болага нисбатан оилавий (маиший) зўравонлик қилганлик учун жавобгарлик билан тўлдириш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 59-2-моддаси ва Жиноят кодексининг 126-1-моддасини болага нисбатан оилавий (маиший) зўравонлик қилганлик учун жавобгарлик билан тўлдириш ҳамда оилавий (маиший) зўравонлик билан боғлиқ жиноят ишлари юзасидан ярашув тўғрисидаги аризани суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида эмас, суд муҳокамаси пайтида бериш тартиби жорий қилинмоқда.

Яъни, оилавий (маиший) зўравонлик бўйича жиноят ишлари юзасидан ярашув тўғри-

сидаги ариза фақат ишни судда кўриш жараёнида, суд муҳокамасининг исталган босқичида, аммо суд маслаҳатхонага киришдан олдин берилиши мумкинлиги белгиланмоқда.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда ҳам болага нисбатан оилавий (маиший) зўравонлик қилганлик учун жавобгарлик аниқ қилиб кўрсатилмоқда.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши оилавий (маиший) зўравонлик билан боғлиқ жиноят ишлари ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона кўриб чиқишига, болалар ва хотин-қизларнинг тазйиқу зўравонликларга учрашининг олдини олиш самарадорлигини ошириш ҳамда оилалардаги маънавий-ахлоқий муҳитни, хотин-қизлар ҳуқуқларига оид халқаро индексларда мамлакатимизнинг ўрнини яхшилашга хизмат қилиши таъкидланди.

Хуллас, лойиҳа учта ўқишдан ўтиб, Сенатга юборилди.

Буни қузатган киши бир ҳулосага келиши мумкин. Демак, жамият учун ғоятда сув ва ҳаводек зарур, кечиктириб бўлмайдиган қонунларни халқ вакиллари – депутатлар ҳам ортиқча савол-жавобсиз қўллаб-қувватлайди.

## ЁШЛАР УЧУН МАСЪУЛМИЗ

Шу кунни мажлисда Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги директори А. Саъдуллаевнинг "Ёшларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилишга, шунингдек, уларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида"ги ахбороти ҳам эшитилди.

Ўзбекистонда кейинги йилларда ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асосларини яратиш мақсадида жами 200 га яқин қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди.

Ёшларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини кафолатлашга, уларнинг ижтимо-

ий-ҳуқуқий ҳимоясини ташкил этишга, бандлигини таъминлашга ҳамда ҳаётда ўз ўринларини топишлари учун зарур шароитларни яратишга қаратилган вазифалар белгилаб берилди.

Ахборотда келтирилишича, 2021 йилдан бошлаб ёшлар муаммоларини самарали ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида мутлақо янги тизим – "Ёшлар дафтари" жорий этилди. Тизимни рақамлаштириш, ижтимоий ёрдамларнинг манзилли етиб боришини таъминлаш мақсадида "yoshlardaftari.uz" электрон платформаси ишга туширилиб, 25 та вазирлик ва идора тахсиллари электрон платформа билан интеграция қилинган эвазига ҳақиқатда ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшлар рўйхатлари шакллантирилди.

"Ёшлар дафтари" орқали ушбу қатлам вакиллари ижтимоий-иқтисодий муаммоларини бевосита маҳаллаларда ҳал этиш имконияти яратилиб, муурожаатларни кўриб чиқиш муддати 30 кундан 5 кунгача қисқариб, кўрсатиладиган ёрдам турлари сони 30 тага етказилди.

Бундан ташқари, Агентлик директори хорижий давлатларга вақтинчалик меҳнат қилиш учун жўнаб кетган йигит-қизлар билан манзилли ишлаш масаласи ёшлар етакчиларнинг устувор вазифаларидан бири этиб белгилангани, хонадонма-хонадон хатлов ишлари орқали 268 минг нафар хориждаги ёшлар баланси шакллантирилиб, улар билан доимий мулоқот ўрнатилганини қайд этди.

"Келажак касблари" лойиҳаси доирасида 1 минг 38 нафар ногиронлиги бўлган ёшлар замонавий касблар, ахборот технологиялари ва хорижий тиллар бўйича ўқув курсларида бепул ўқитилди.

Парламент эшитувида депутатлар олий маълумотли ёшларнинг доимий иш билан таъминланиши, иқтидорли ёшларнинг таълим кредитига эга бўлиши, ўз йўлини топа олаётган ука-сингилларимизни касб-ҳунарга қай-

та тайёрлаш масалаларида ечимини қутаётган муаммолар мавжудлигига эътибор қаратди.

## АНВАРХОН ТЕМИРОВ, ЎЗХДП ФРАКЦИЯСИ АЪЗОСИ:

Республикамиз ичида ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз мумкин, лекин чет элда юрган йигит-қизлар ҳам бор. Ахборотингизда 268 мингдан ортиқ шундай ёшлар билан мулоқот ўрнатилди, дедингиз. У ердаги ёшларга Агентлик томонидан нима ёрдам кўрсатилаётгани очикланмаган. Қолаверса, сиз айтган маълумот ўтган йилнинг ноябрь ойига тегишли. Бугунги кунгача нима ишлар қилинган ҳақида маълумот берсангиз?

Агентлик директори ушбу депутат саволига хориждаги ёшлар орасида 1000 АҚШ доллари кам даромад топаётганларига юртимиздан иш таклиф қилинаётгани, қолаверса, жорий йилда ўзини ўзи банд қилиш ва иш билан таъминлаш мақсадида ер ажратилиши 30 мингга яқин ёшларимизнинг она Ватанга қайтиб келишига сабаб бўлганини айтиб ўтди.

Савол-жавоб ва муҳокамаларга бой бўлган парламент эшитувида депутатлар ёшларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилишга, шунингдек, уларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган бир қатор таклиф ва тавсиялар беришди.

Мамлакатимиз аҳолисининг улкан қисмини ташкил қиладиган ёшлар масаласини биргина Агентликка юқлаб қўйиш билан қўрилган на-тижага эришиш қийин. Демак, ҳар биримиз, ҳечқурса, ўз фарзандимиз, яқинимиз ҳақида қайғуришимиз, уни қўллаб-қувватлашимиз лозим. Ўзбекистон ёшлари учун ҳаммамиз масъулмиз. Шундагина ёшлар қўлидаги келажакимиз бугунимиздан-да яхшироқ бўлишига умид қилиш мумкин.

Аҳмад ҚУРБОНОВ  
тайёрлади.

# ХУСУСИЙ УНИВЕРСИТЕТЛАРГА ЛИЦЕНЗИЯ БЕРИШ ТЎХТАТИЛДИМИ?



Олий таълим, фан ва инновациялар вазири Конгратбай Шарипов Ўзбекистонда хусусий университетларга лицензия бериш тўхтатилганини маълум қилди.

Вазир сўнги бор хусусий университетларга лицензия 2023 йил октябрда берилганини айтиб, буни таълим сифати ва ишсизлик билан боғлади.

– Биз хусусий университет очмаймиз десак, талабалар чет элга кетади, – деди Конгратбай Шарипов. – Ҳозирнинг ўзида шунча хусусий олий таълим муассасалари очилганидан кейин ҳам 110 минг талаба четда ўқияпти. Уларнинг сони 500 минг бўлиши ҳам мумкин эди... Бир томондан, хусусий университетлар балансни ушлаб турибди, деб ўйлайман. Лекин хусусий экан деб очаверса, у эса етарли таълим сифатини бермаса, бу яхши эмас. Таълим сифатини яхши йўлга қўймаган хусусий университетларни тамомлаган кадр охир-оқибат ишсиз қолиб кетади. Жамиятимизда ишсиз олий маълумотлилар кўпайиб кетиши мумкин. Ҳозир хусусий университетларга лицензия бериш тўхтатилди. Лицензия берилган университетлар билан сифатли таълим бериш нуқтаи назардан ишланмоқда.

Маълумотга кўра, бугунги кунда мамлакатимизда хусусий ОТМ сони 67 тани, давлат ОТМ эса 111 тани ташкил этмоқда. Вазирнинг таъкидлашича, айтилган хусусий университетларга лицензия бериш тизимини такомиллаштириш бўйича қарор лойиҳаси ишлаб чиқилди.

## ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТГА ҚАРАшли 20 ТА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ЁПИЛИШИ МУМКИН

Олий таълим, фан ва инновациялар вазири республикада ўқитиш стандартларига жавоб бермайдиган қатор давлат олийгоҳлари мавжудлигини ҳам айтиб ўтди. Айтилган уларни рўйхатга олиш ва келгусида ёпиш режа қилинмоқда. Яъни, қайси университетларнинг битирувчиларни иш билан таъминлаш кўрсаткичи паст бўлса, ёпилади. Бу кўпроқ вилоятлардаги

филиаллар фаолияти билан боғлиқдир.

–Узоқ туманларда университетлар очилган, уларда кадр йўқ, салоҳият жуда паст, – деди К. Шарипов. – У ерларга профессор-ўқитувчилар бормади. Талабаларнинг кўпчилиги ўша университетларга ўқишини бошқа ОТМга "перевод" қилиш учун киради. Чунки филиалларда ўқишга кириш балли паст. Ана шу ОТМ битирувчиларининг 5-10 фоизи иш билан таъминланмоқда. Чунки у университетларни битирганларга талаб йўқ. Шунча бинога, ўқитувчига харажат қилинмоқда. Айниқса, техника соҳасида кадр тайёрлайдиган бўлса, талабалар 6-7 миллион сўм контракт пули тўлайди. Лекин ҳар бирининг харажати давлатга 20 миллион сўмга тушмоқда.

## ДИПЛОМ БИР ХИЛДА ТАН ОЛИНАДИ

"Ўзбекистон овози" тахририятига келиб тушаётган муурожаатлар орасида "Хусусий университетларни тамомлаган

талабалар давлат ташкилотларига ишга киришда муаммоли вазиятларга дуч келмайдими? Хусусий ОТМ билан давлат ОТМ дипломи бир хил даражада қанча эгани?" каби саволлар кўп учрамоқда.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазиригининг маълум қилишича, "Таълим тўғрисида"ги Қонуннинг 31-моддасида лицензия асосида таълим хизматлари кўрсатадиган нодавлат таълим ташкилотлари битирувчиларга Ўзбекистон Республикасида тан олинадиган таълим тўғрисидаги ҳужжатлар бериши белгиланган. Яъни, лицензияга эга олий нодавлат таълим муассасаси дипломи Ўзбекистон ёшлари учун ҳаммамиз ҳудудида бир хилда тан олинади. Давлатники ёки нодавлатники, деб алоҳида бирортасига устуворлик берилмайди.

"Ўзбекистон овози" муҳбири  
Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ  
тайёрлади.

# ЭНДИ БОШҚАЧА БЎЛАДИ

2019 йили "ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЯНГИ САЙЛОВЛАР" ШИОРИ ОСТИДА ПАРЛАМЕНТ ВА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРГА БЎЛИБ ЎТГАН САЙЛОВДА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ БИР ҚАТОР МУҲИМ ТАШАББУСЛАРНИ ҚАМРАБ ОЛГАН САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИНИ ТАҚДИМ ЭТГАН ЭДИ. ОРАДАН 5 ЙИЛ ЎТДИ ВА, МАНА, НАВБАТДАГИ САЙЛОВ ОСТОНАСИДА ТУРИБМИЗ.

Мана шундай паллада партия дастурида белгиланган устувор мақсадларнинг қанчаси ўзининг ҳаётий исботини топмоқда, деган савол туғилиши табиий, албатта. Сайловчилар, жамоатчилик бу саволга аниқ жавобни кутади. Айтиш керакки, Халқ демократик партияси айна масъулиятни англаган ҳолда амалий натижаларга эришиши йўлида собитқадамлик билан ҳаракат қилмоқда.

Кучли ижтимоий сиёсат — ижтимоий давлатчилик пойдевори, барқарор жамият ва фаровон турмуш асоси ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, Халқ демократик партияси томонидан Сайловолди дастуридаги асосий мақсад сифатида янги Конституцияда белгиланган «давлатнинг ижтимоий мажбуриятларини самарали амалга ошириш механизмларини белгилаш ҳамда демократик ижтимоий давлатни барпо этиш учун» бир қатор устувор йўналишлар тақдир этилган эди.

Партия давлат аҳоли манфаатларини тўлақонли таъминлаш мақсадида кучли ижтимоий сиёсат юритиши лозим, деб ҳисоблайди. Дастурда мазкур йўналишда бир қатор масалаларга эътибор қаратиш кераклиги таъкидланган.

● **Аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари яшаш шароитларини яхшилаш;**

● **ҳар бир инсоннинг бирламчи ҳаётӣ эҳтиёжларига етадиган энг кам истеъмол харажатларини қонун даражасида белгилаш, яъни «Энг кам истеъмол харажатларини белгилаш тартиби тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш;**

● **фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, ишсизликдан ҳимоя қилиш, камбағалликни қисқартириш чораларини кўриш, оилалар, болалар, аёллар, қариялар, ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларга ғамхўрлик қилиш шулар жумласидандир.**

Сир эмас, йиллар давомида кам таъминланган оилаларга нафақаларни белгилашда аниқ мезонлар йўқлиги, ажратилган маблағларнинг реал эҳтиёжга нисбатан камлиги каби муаммолар ижтимоий адолатга эришиши имконини бермай келаётган эди. Очиги, шу пайтга қадар қайси оила қандай асосга кўра нафақа олиши керак, деган долзарб саволга қилиб жавобнинг ўзи йўқ эди. Давлат бюджетидан ажратилган маблағларнинг айнан муҳтож фуқароларга етиб боришида ҳам қатор тушунмовчиликлар юзга келганини ҳаммамиз яхши биламиз.

Бугун эса вазият тамомилан ўзгарди. Ижтимоий ҳимоя билан боғлиқ масалалар бўйича бутунлай янги тизим яратилди. Хусусан, оилаларга нафақа белгилаш асослари аниқ қилиб кўйилди. Тизимда очиклик, тенглик, адолат тамойилларига қатъий амал қилиш вазифаси белгиланди.

## ЎЗБЕКИСТОН – ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ

Ўтган йили янги тахрирда қабул қилинган Конституцияда илк бор Ўзбекистон – ижтимоий давлат, деб эълон қилинди. Яъни инсонга эътибор ҳамда ғамхўрлик – давлат ва жамиятнинг энг асосий бурчи экани конституциявий норма даражасида мустаҳкамланди. Давлатнинг ижтимоий соҳадаги мажбуриятлари билан боғлиқ нормалар қарийб 3 баробар кўпайди. Хусусан, бандликни таъминлаш, ишсизликдан ҳимоя қилиш, камбағалликни қисқартириш, ҳар кимнинг уйли-жойли бўлиш ҳуқуқига оид қатор мажбуриятлар киритилди.

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини янада манзилли қўллаб-қувватлаш мақсадида маълумотлар базалари шакллантирила бошланди. 2021 йилдан бошлаб аҳолининг кам таъминланган қатламларини "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри"га киритиш орқали рўйхатга олиш механизми жорий этилди, бу эса кам таъминланган оилаларга ўзларига тегишли бўлган ижтимоий ёрдамни бюрократик тартиб-қоидаларсиз автоматик тарзда олиш имконини берди.

Натижалар қандай бўлди?



**Мавжуда ҲАСАНОВА,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты:

- Ижтимоий сиёсат ва давлат ижтимоий дастурларини ишлаб чиқиб жорий этишда, шунингдек, меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар, стипендиялар, нафақалар ва бошқа ижтимоий тўловларнинг энг кам даражасини белгилашда халқаро ҳамжамиятда умумқабул қилинган кўрсаткичлар, яъни яшаш минимуми ҳамда уни қўллаш тартибини амалиётга киритиш айна заруратдир.

Очиги, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (аввалги тахрир)нинг 39-моддасида "пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларнинг миқдори расман белгилаб кўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас"лиги қайд этилган, бироқ ушбу Конституциявий норма амалда 27 йилдан бери ишламай келаётганди. Мамлакатимизда яшаш минимумини аниқлашнинг ҳуқуқий механизмлари ва мезонларнинг йўқлиги, тўғрисида, шу вақтгача белгиланмагани ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тўланадиган ижтимоий нафақаларга ҳақиқатан муҳтож оилаларни аниқлаб олишга имкон бермаётганди.

Бу Халқ демократик партияси учун ўта муҳим масала ҳисобланиб, аввало, камбағалликни белгиловчи мезонларни аниқлаштириб олиш мақсадга мувофиқ эди.

2020 йилнинг 3 июнь куни Президент раислигида камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида 2020 йил 1 октябрдаги тирикчилик учун зарур энг кам миқдор бўйича ҳуқуқий асосларни ишлаб чиқиш вазифаси кўйилди. Шу йили минимал истеъмол харажатларини ҳисоблаш учун республиканинг барча ҳудудларидан танлаб олинган 5 миң 400 та уй хўжалигида сўровнома ўтказилиб, улар 10 та гуруҳга бўлинди ва ушбу оилалар орасидан энг кам харажат ва даромадга эга бўлган 30% уй хўжаликлари ажратилди.

Сўровнома натижасида олинган маълумотлар асосида мазкур оилаларда жон бошига кунлик истеъмол қилинадиган озиқ-овқат (2200 ккал) ва зарур бўлган ноозик-овқат товарлар ҳамда хизматлар учун минимал истеъмол харажатлар 2021 йилда киши бошига 440 миң сўмни ташкил этиши белгиланди.

2021 йил 27 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Минимал истеъмол харажатлари қийматини ҳисоблаш тартибини амалиётга жорий этиш тўғрисида" қарори қабул қилинди. Шу тариқа мамлакатимизда минимал истеъмол харажатлари амалиётга жорий қилинди. Бу камбағаллик чегарасини аниқлашда ҳам асос қилиб олинди.

Демак, партия Сайловолди дастуридаги энг муҳим мақсадлардан бири амалга ошди, минимал истеъмол харажатлари расман

белгиланиб, халқимизга фойдаси тегмоқда, давлатнинг ижтимоий масъулиятини ошириш қафолатларидан бирига айланмоқда.

Бундан ташқари, фракцияимизнинг партия билан ҳамкорликда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламини қўллаб-қувватлаш, пенсионер ҳамда ногиронлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни ўйлантираётган масалаларни ҳал этиш бўйича ташаббуслари ҳам эътиборга молик.

Хусусан, «Депутат маҳаллада», «Маҳаллада ижтимоий хизмат», «Маҳаллада камбағал оилалар сонини камайтириш», «Тўсиқсиз ҳаёт», «Тенг ҳуқуқ, тенг имкониятлар!», «Соғлом она, соғлом оила», «Хотин-қизлар ҳуқуқлари - қонун ҳимоясида», «Сафимиздаги ёшлар», «Депутат ва ёшлар», «Қонунчилик – ёшлар нигоҳида» каби қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Мазкур лойиҳалар доирасида фракция аъзолари ҳамда партия ходимлари томонидан 30 дан ортиқ ҳудудга ташриф буюрилиб, 5 000 нафардан зиёд сайловчи, шу жумладан, «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган аҳоли вакиллари билан мулоқот қилинди, мавжуд муаммолар ўрганилиб, уларни ҳал этиш юзасидан зарур чоралар кўрилди.



**Аббор ҚУРБОНОВ,**  
ЎзХДП Марказий Кенгаши бошқарма бошлиғи:

- Минимал истеъмол харажатларининг жорий этилиши ижтимоий тўловлар ва нафақаларнинг энг кам даражасини қайта кўриб чиқиш имконини берди. Бу 2021 йилнинг ўзида ногиронлар, шунингдек, боқувчисини йўқотган оилалар учун энг кам пенсия ва нафақалар миқдори 10 фоздан 50 фозгача оширилишига олиб келди. Бошқача айтганда, фаол ижтимоий сиёсат юритишга замин яратилди. Хусусан, бугунги кунда 2 млн.дан ортиқ одам ижтимоий нафақа билан таъминланган.

Камбағаллик чегараси белгиланди. Энди ким, нима учун камбағал экани аниқ-равшан бўлди. Ўз-ўзидан камбағаллик даражасини қисқартириш бўйича катта ислохотлар амалга оширила бошланди. Масалан, расмий маълумотларда келтирилган рақамларга эътибор берсак, камбағалликка қарши курашнинг янги тизими яратилган 2021 йилда камбағаллик даражаси 17 фозни ташкил қилган. Бу 2021 йилда Ўзбекистон аҳолисининг 6 миллионга яқини камбағал қатламга мансублигини англатарди. 2023 йил якунларига кўра, Ўзбекистонда камбағаллик даражаси 11 фозни ташкил қилмоқда.

Камбағалликни қисқартириш йўлида олиб борилаётган ишлар Халқ демократик партиясининг бу борадаги ғоя ва мақсадлари амалга ошириб бораётганини англатади.

Одамларга ёппасига кредит бериш ёки

## ELEKTORAT MANFAATI

пул тарқатиш билан камбағалликни енгиб бўлмастлигини исботлашга ҳолат йўқ, албатта. Аксарият камбағал оилаларда меҳнатга лаёқатли инсонларимиз бор. Улар ишга жойлашса, бу ўз-ўзидан оилалар даромади ошишига хизмат қилади. Шу тариқа оила камбағалчиликдан чиқади. Шундан келиб чиқиб, дастлабки вазифаси кам таъминланган аҳолини ишга жойлаштириш бўлган "Темир дафтар"лар ташкил этилди.

Айни пайтда "Темир дафтар"лар оилаларни камбағалликдан чиқариш ишларини режали ташкил этишда, рўйхатдагиларга қараб кейинги ишларни мувофиқлаштиришда қўл келмоқда. Ёшлар ва аёллар дафтарлари ҳам касб-хунар ўргатиш, бандликни таъминлашда манзилли ёндашувни кучайтиришга хизмат қиляпти.

Энг муҳими, бу ишлар орқали тушкун кайфиятда бўлган оилалар боқимандалик руҳиятидан чиқиши, бандлик даражаси ошиши йўлида муҳим қадамлар кўйилмоқда. Мазкур жараёнда ЎзХДП тақлифлари инobatга олиниб, депутатларимиз ташаббуслари амалга ошаётгани эътиборли, албатта. Демак, ғояларимиз ҳаётий, ҳаракатларимиз бесамар кетмаяпти.



**Жаҳонгир ОЛИМОВ,**  
ЎзХДП Марказий Кенгаши сектор мудири:

- Аҳоли бандлигини таъминлаш, ёшлар ва ишсиз фуқароларни давлат ҳисобидан малакали касб-хунарга ўқитиш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, эҳтиёжманд аҳолини манзилли қўллаб-қувватлаш орқали 2026 йилгача камбағалликни икки баробар қисқартириш кўзда тутилмоқда. Бу жуда катта ва тарихий аҳамиятга эга марра. Бу натижага эришиш мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ислохотлар самарадорлигини ҳам англатади. Яъни, камбағалликнинг икки баробар қисқариши жуда кўплаб соҳаларда ўши суръатидан далолат беради.

Аслида камбағалликка барҳам бериш жуда катта қамровга эга бўлган масала ҳисобланади. Бунда кимгадир ижтимоий нафақа ёки уй бериш билан муаммо ўз-ўзидан ҳал бўлиб қолмайди. Бу иқтисодий инфратузилма билан бирга, инвестиция йўналтириш, бандлик билан боғлиқ барча муаммоларни ечиш, таълимни ривожлантириш каби комплекс чораларни талаб этади.

Шунинг учун камбағалликни қисқартириш, аҳоли даромадларини ошириш маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимизнинг доимий диққат-эътиборида турибди. "Маҳаллабай" ва "Фуқаробай" ўрганишлар асосида бу борада доимий тарзда назорат-таҳлил ишлари олиб боришмоқда.

Яқинда депутатлар билан бирга ҳудудларда бўлганимизда, ижтимоий дафтарларга киритилган аҳоли муаммолари ўрганилди. Тўғри, аҳолини иш билан таъминлаш бўйича чоралар кўриляпти. Одамларга ер, тикув машинаси бериляпти. Бу яхши, албатта. Лекин кейин-чи? Бу ёрдам билан ҳам ўзини ўнглаб кетолмаётган фуқаролар бор. Шундай одамларимиз бор, касб-хунарни ўрганади, ишга келганда ҳар хил баҳоналар қилади, "даромад кам", "ота-онам руҳсат беришмади", деган баҳоналарни рўқач қилишади. Касб-хунарни пухта ўзлаштирса, ишда муаммо бўлмайди-ку. Бу шунча сэй-ҳаракат ҳавога соврилди, дегани эмасми?

Сайловчилар билан суҳбатлашганимизда бунга кўп ғувоҳ бўламиз. Томорқасидаги ердан оқилана фойдаланмай келаётганлар ҳам кўп. Шунинг учун тарғибот-тушунтириш ишларини кучайтиришга эътибор берялмиз.

Маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз бу масалада назорат-таҳлил ишларини кучайтириб, айнан камбағалликни қисқартириш, аҳоли даромадларини ошириш, бандлигини таъминлаш йўналишларини, керак бўлса, ҳар чоракда сессияда кўриб чиқмоқда.

Партияимиз халқ депутатлари Кенгашларида 1543 нафардан ортиқ депутатлик ўрнига эга экани бу йўналишда ҳам имконият беради, ҳам масъулиятимизни икки ҳисса оширади.

\*\*\*

Албатта, ҳар бир ислохот, янги ўзгариш минглаб, миллионлаб инсонлар ҳаётида бурилиш ясайди. Ижтимоий соҳада бугун рўй бераётган янгиланишлар Халқ демократик партияси ғоялари билан уйғундир. Айнан бизнинг электорат манфаатлари билан боғлиқ масалаларнинг тақдирини ҳудудларда ҳал бўлади. Шу нуқтаи назардан жойларда масъулларнинг депутатлар корпуси олдидаги ҳисобдорлиги, маҳаллий вакиллик органлари томонидан жамоатчилик назоратининг кучайтирилиши қонунлар, қарорлар, давлат дастурлари ижроси таъминлашида муҳим аҳамиятга эга эканини унутмаслик лозим.

**Лазиза ШЕРОВА,**  
"Ўзбекистон овози" муҳбири.

## SIYOSIY PULS

ЯҚИН-ЯҚИНГАЧА КАМТАР ҲАЁТ ОҒУШИДА ЯШАГАН ҲУДУДЛАРДА ШАҲАРЛАР БУНЁД ЭТИЛМОҚДА. БУНДАЙ ЎЗГАРИШЛАР БИР ҲУДУД ЁКИ ФАҚАТ МАРКАЗГАГИНА ТААЛЛУҚЛИ ЭМАС. ЯНГИ МАССИВЛАР БАРПО ЭТИШ, ЧЎЛЛАРНИ ОБОД ҚИЛИШ ҲАЙРАТ ВА ҒАЙРАТГА ТУРТКИ БЎЛМОҚДА. ФАРҒОНА ҲАР БИР СОҲАДА ОЛДИНГИ САФЛАРДА ЭКАНИГА ШУБҲА ЙЎҚ. ПРЕЗИДЕНТНИНГ ВИЛОЯТГА НАВБАТДАГИ ТАШРИФИ ДАВОМИДА БУНГА ЯНА БИР БОР АМИН БЎЛДИК.



# ФАРҒОНА МАРРАНИ БАЛАНД ОЛГАН

## Қўқоннинг очиқ осмони

Ёдингизда бўлса, янгиланиб, қайта қурилатган аэропортлар қаторида жорий йил март ойида Қўқон аэропорти ҳам янгидан очилган эди.

1977 йилда қурилган ва яқин йўналишларга парвозлар амалга оширилган аэропорт кейинчалик фақат ҳарбий ҳаво кучлари томонидан фойдаланилган. Модернизация қилинган ҳаво портида яна фуқаро авиацияси парвозлари йўлга қўйилди.

Давлат раҳбари манзилда бўлиб, бунёдкорлик ишлари билан танишди. Хусусан, 100 нафар йўловчиға мўлжалланган янги терминал қурилган, учуш-қўниш йўлаги қопламаси таъмирланган. Замонавий аэронавигация ускуналари ўрнатилган. Бу ишлар натижасида аэропорт А 320-200 ва АТР 72-600 русумли самолётларни қабул қилиш имкониятига эга бўлди.

Президентимиз энди бу аэропорт халқимизга манфаат келтириши кераклигини таъкидлади. Бунинг учун нарх ва хизматларни одамларга қулай қилиб, парвозларни кўпайтириш бўйича кўрсатмалар берилди.

## 7 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРЛИК ЛОЙИҲАЛАР

Бахт нисбий тушунча бўлиб, ҳар кимнинг бу борада ўз қарашлари бор. Аммо орзу-ниятлар ижобати инсонга саодат келтириши бор гап. Мақсадга эришишда зарур воситалардан бири, тан олиш керакки, моддият билан боғлиқ.

Давлат раҳбарининг ҳудудларга ташрифи давомида шу сабабли ҳамisha янги лойиҳалар, яратиладиган иш ўринлари, одамларнинг турмуш тарзини яхшилашга қаратилган ишларга алоҳида эътибор берилди.

Бу йилнинг ўзида вилоятда 1,3 миллиард долларлик мингдан ортиқ лойиҳа амалга оширилмоқда. Энди хорижий инвестор ва маҳаллий тадбиркорлар томонидан умумий қиймати 7 миллиард доллардан зиёд 132 та лойиҳа шакллантирилган. Шундан 2,1 миллиард долларлик 25 та лойиҳа тақдимот қилинди.

Масалан, Хитой инвесторлари билан ҳамкорликда Учкўприк туманида қиймати 50 миллион долларга керамик плиталар ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида 500 нафар янги иш ўрни яратилади. Қува туманида Саудия Арабистони инвесторлари билан биргаликда иситиш ва совутиш тизимлари эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқариш корхонаси ишга туширилади. Бу орқали 350 кишининг бандлиги таъминланади.

132 та лойиҳа эса 23 минг одамни ишли қилиши кутилмоқда. Шароит ва талабчанлик туфайли бугун бар-

ча ҳудудларда иш суръати юқори. Бир корхона ишга тушиб, бошқаларининг қурилишига старт берилляпти. Айниқса, саноат тармоқларида лойиҳалар шунчалик кўпки, ҳаммасига улгурши қийин. Шу боис давлатимиз раҳбарининг ҳудудларга ташрифи чоғида энг муҳим лойиҳаларга тўхталиш аънаанага айланган. Фарғона вилоятда ҳам янги корхоналарни ишга тушириш ва қурилишини бошлаш маросими бўлиб ўтди.

## 577 ТА МАСКАНГА ЭГА ТУРИЗМ ҲАЛҚАСИ

Яқин ўтмишда хорижий олий таълим муассасаси филиали ёки хорижлик ўқитувчилар дарс ўтадиган маскан ҳақида эшитган одам, у ерда ўқийдиганларга ҳавас билан қараган. "Бизга унака жойларда ўқишга йўл бўлсин", деган ишонсизлик ҳам йўқ эмасди. Бугун эса иктидорлиларга, ўқийман, яхши мутахассис бўламан деб интилган ҳар қандай йигит-қизга имкониятлар эшиги эмас, дарвозалари ланг очилган. Турли барьерларга барҳам берилиб, замонавий билимлар дунё стандартларига мос тарзда боғча ёшидан оқ ўргатилмоқда. Олий таълим босқичида бу ишлар анча кенг қулоч ёзган.

Фарғоналиклар ҳам ушбу ўзгаришлардан бебаҳра қолгани йўқ. 6 минг 400 ўринга мўлжалланган Қўқон университети ташкил этилган эди. 500 ўринли 2 та талабалар турар жойи ҳамда ахборот-кутубхона марказида ёшлар учун барча шароит яратилган. Талабаларга 233 нафар профессор-ўқитувчи сабоқ бермоқда.

Асосийси, муассасада хорижий университетлар билан самарали ҳамкорлик йўлга қўйилиб, 80 га яқин ОТМ билан шартномалар имзоланган ва олийгоҳ Туркий тилли давлатлар университетлари кенгаши аъзоси хисобланади.

Бу билан иш тўхтаб қолмади. Айни пайтда олти қаватли, икки минг ўринга мўлжалланган янги ўқув биноси қурилмоқда. У ерда ўқув хоналари, фан лабораториялари, типография жойлашади. Шунингдек, икки қаватли "Ёшлар IT академияси" барпо этилмоқда. Уларни шу йил сентябрда фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

2022 йилда университетнинг туризм факультети учун минг ўринли янги бино барпо этилган. Давлатимиз раҳбари миллий услубдаги ушбу мажмуани кўздан кечирди. Хориждан профессорларни таклиф этиб, дуал таълим тизимини кенг қўллаш, туризм ташкилотлари буюртмаси асосида талабаларни мақсадли тайёрлаш зарурлиги таъкидланди.

Уша жойда Фарғона туризм ҳалқасини яратишга оид концепция тақдимот қилинди.

Ўтган йили Фарғонага 430 минг хорижий турист келган. Лекин вилоятнинг тарихи, сўлим табиатига нисбатан қаралса, бу кам.

Фарғона туризм ҳалқасидан мақсад хорижий ва маҳаллий туристларнинг вилоятда қолиш мuddатини 3 кундан 7 кунгача узайтириш, ташриф объектлари сонини 2 баробар оширишдир. Бунинг учун Фарғона, Олтиариқ, Қува, Учкўприк туманларидаги диққатга сазовор жойлар туризм йўналишларига киритилади. Умуман, ҳалқада 577 та маскан бўлади, 50 дан ортиқ савдо-хизмат турлари тақдим этилади.

## БАҒДОДА БОДОМ ЯХШИ ЎСАДИ

Халқимизнинг азалдан ерга меҳри бошқача. Бир парча ерга ҳам ишлов бериб, гул ёки дарахт кўчати экади. Водийдаги қишлоқ ва маҳаллаларни айланиб юрсангиз, ҳеч бир очиқ ёки бўш турган жойни учратмайсиз.

Мамлакатимиз етакчиси аҳоли турмуш шароити билан танишиш мақсадида Бағдод туманидаги Юксалиш маҳалласига ташрифи чоғида ана шундай манзарага гувоҳ бўлди.

Хунармандчилик, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишга ихтисослашган бу маҳаллада 3 минг 300 нафарга яқин аҳоли яшайди. 560 дан ортиқ хонадоннинг барчасида томорқа, ўндан ортиқ иссиқхона бор. Улардан омилкорлик билан фойдаланиб, икки марталиб ҳосил олинмоқда.

Яна баъзи оилалар ёғоч ўймакорлиги, темирчилик, каштачилик билан шуғулланади. Бугунги кунда маҳаллада тадбиркорлик субъектлари сони йигирматадан ошди. Мактаб, боғча ва поликлиника бор. Уларда ҳудуд аҳолисининг бир қисми доимий иш билан банд. Ўтган йили 131 киши ишга жойлаштирилган. Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш учун 22 та лойиҳага 240 миллион сўм кредит ажратилган.

Бағдодда бодом яхши ўсади. Давлатимиз раҳбари маҳалладаги "Гулнора Матқулобод бодомлари" корхонаси фаолияти билан танишди. Корхона 11 та маҳалладаги 500 дан ортиқ хонадонларга бодом тарқатиб, сотувга тайёрлатади. Бир кунда 3 тоннагача маҳсулот қайта ишланади. Ҳозирда пўсти юмшатирилган мазали бодомлар пойтахтимиз ва вилоятларга етказиб берилмоқда. Тадбиркор аёл энди уни экспорт қилишни режалаштираётганини айтди.

Президентимиз тадбиркор ва касаначи аёллар билан самимий сўхбатлашди. Ташаббускорлиги ва меҳнатсеварлиги, ислохотларга камарбаста бўлиб, хотин-қизларни ишли қилаётгани учун уларга миннатдорлик билдирди.

Маҳалла бюджетига 83 миллион сўм бор. Кўчалар обод, хонадонлар саранжом-сарихта...

## ҚАҲРАМОН ЎЗБЕК АЁЛИНИНГ ҲАЁТ МАКТАБИ...

Фарғонаниннг матонатли, жасоратли кишилари, хунармандлари-ю, фермер ва деҳқонлари ҳақида сўз кетганда юртдошларимиз хаёлида биринчилар қаторида Ўзбекистон Қаҳрамони, Олтиариқ фарзанди Лола Муротова гавдаланишига шубҳа йўқ.

Тириклик чоғида ўз мактаби, меҳнати ва тажрибаси билан ном қозонган ўзбек аёли бу оламни тарк этгандан кейин ҳам эъзозланади. Қаҳрамон аёл номидаги қишлоқ хўжалигига ихтисослашган касб-хунар мактаби очилди.

Лола Муротова Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими, "Эл-юрт хурмати" ва "Фидокорона хизматлари учун" орденлари соҳибаси бўлган. Бутун умрини шу соҳага бағишлаб, катта муваффақият ва ҳурмат қозонган. Ўзбек аёлининг нималарга қодирлигини кўрсатган бўлса-да, жуда камтар ва соддадиллиги билан меҳр қозонган аёл фидокорлиги, меҳнатсеварлиги билан юртимиз ривожига ва ободлигига катта ҳисса қўшган. Мактаб эса ана ўша бой тажрибани ёшлар-



га етказиш, қишлоқ хўжалигида ўрта бўғин кадрларини тайёрлаш мақсадида ушбу таълим даргоҳи ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбари бу ерда яратилган шароитларни кўздан кечирди.

Касб-хунар мактаби 480 ўринга мўлжалланган бўлиб, унда бошланғич профессионал таълим босқичида кадрлар тайёрланади. Ўттиздан ортиқ аудиториялар, еттита лаборатория, компьютер хоналари, фаоллар зали ва музей барпо этилган. Шунингдек, 150 ўринли турар жой, спорт зали, мини-футбол майдончаси, устахона, иссиқхона ва машғуллотлар учун автотроном ўқувчилар ихтиёрида бўлади.

Муассасага умумтаълим мактабларининг 9-синфини битирганлар ўқишга қабул қилинади. Ўқув жараёни бошланғич профессионал таълим дастурлари асосида, амалиёт билан боғлиқ ҳолда олиб борилади.

## ҲАЛОВАТГА БЕРИЛСАК, ЮТҚАЗАМИЗ

Камбағалликка қарши курашиш. Ўтган йиллар давомида бу борада тизимли ишлар қилинляпти. Тўғри, натижалар сезиларли, аммо етарли эмас. Кўп иш қилинди, ишсиз ва муҳтожларга банк-молия орқали кўмаклашиш йўлга қўйилди. Энди янгича ёндашувга эҳтиёж сезилляпти.

Давлатимиз раҳбари фаоллар йиғилишида бунди Богдод тумани мисолида таҳлил қилиб, тизим такомиллаштирилишини айтди.


Президент таъбири билан айтганда, камбағал деб қанча нафақа тўлаганимиз билан, иш топиб берилмаса, яна ижтимоий ёрдамга қайта-қайта келаверади, боқимандалик кучайиб бораверади. Шу боис энди камбағалликни қисқартириш ва ижтимоий ҳимоя бир тизимда бўлади. Бошқарув эса Ижтимоий ҳимоя агентлиги зиммасига юклатилган.

Муаммолар таҳлил қилиниб, тадбиркорликни ривожлантиришга оид таклифлар билдирилган фаоллар йиғилишида кўплаб рақамлар санаб ўтилди. Иқтисодий тизимни ривожлантириш бўйича устувор вазифалар муҳокама қилинди.

Қувасойдаги фойдаланилмайдиган яйдоқ жойларда яратилган интенсив боғ, Марғилонда қурилиши режалаштирилаётган массив, умуман, вилоятнинг ҳар бир ҳудудида амалга оширилаётган бунёдкорликлар эътибордан четда қолмади. Қайсидирга бориб кўрилган бўлса, бошқалари рақамларда таҳлил қилинди.

Таъкидлаш жоизки, давлат раҳбари берган топшириқлар амалга ошса, манзиллар обод бўлаверади. Янги уйлар қурилиши оилаларга бахт ва қувонч улашса, янги иш ўринлари унинг мустақамлиги, яхши орзу-ниятларнинг бошланишига туртки беради. Бир-бирига занжир каби боғланган ҳаёт симфонияси ана шундай ширин ташвишлар билан янада ёқимли тус олади.

**Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,**  
**"Ўзбекистон овози" муҳбири.**









# БОЛАЛАРДАН АЯМАЙЛИК

**2016 йили ҚИШ-ҚИРОВЛИ КУНДА ТЕМИРЙЎЛ СТАНЦИЯСИДА ШИТОБ БИЛАН КЕЛАЁТГАН ПОЕЗДНИ КУТИБ ТУРГАН ЯПОНИЯЛИК ЎҚУВЧИ ҚИЗ СУРАТИ ДУНЁ ЕТАКЧИ НАШРЛАРИДА БОСИЛИБ ЧИҚДИ ВА ЖАҲОН ЖАМОАТЧИЛИГИНИНГ БИРДЕК ДИҚҚАТИНИ ТОРТДИ. СУРАТ ИЗОҲИДА ЯПОНИЯНИНГ ХОККАЙДО ОРОЛИДАГИ КАМИ-СИРАТАКИ ТЕМИРЙЎЛ СТАНЦИЯСИ БИРГИНА ЙЎЛОВЧИ – ШУ ЎҚУВЧИ ҚИЗ УЧУН ИШЛАЁТГАНИ КЕЛТИРИЛГАНДИ.**

Маълум бўлишича, кунчиқар юртнинг темирйўллари раҳбарияти узоқ ва оммалашмаган йўналиш бўйлаб поезд қатновини тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилади. Бироқ Ками-Сиратаки станциясида ўқувчи қиз яшаши аниқлангач, бу йўналишда поезд ҳаракати қисман тикланади. Шундай қилиб, мазкур станцияда поездлар кунига икки марта – ўқувчи қизни мактабга олиб кетиш ва олиб келиш учун тўхтади. Айни шу йили қиз мактабни битиргач, станция фаолияти ҳам тугатилади.

Таълимга, болаларга юксак эътиборнинг бу намунаси ҳали-ҳамон халқаро доираларда эътироф этилади, ибрат қилиб кўрсатилади. Илм-фанда, маданиятда пешкадам бўлган Япониянинг қудрати негизларини ундаги таълим-тарбиянинг мукамаллиги ва самардорлиги билан боғлайдилар.

Дарҳақиқат, бугунги мураккаб ва таҳликали замонда ўз келажаги ҳақида қайғурган давлат ва жамият борки, ягона нажотни таълим-тарбияда кўрмоқда. Мамлакатнинг стратегик ресурси ҳисобланган болаларнинг манфаатини ҳамма нарсадан устун деб билмоқда. Ўзбекистон ҳам инчунун.

“Таълим-тарбия – бу бизнинг келажагимиз, ҳаёт-мамат масаласи. Шу боис бу соҳадаги ислохотларни кечиктиришга ҳаққимиз йўқ”, дея давлатимиз раҳбари мактаб таълимини сифат босқичига олиб чиқиш фақат тегишли вазирликнинг эмас, барчанинг иши эканига ургу бериб келиши бежиз эмас. Тараққиётга эришиш, олдимизга қўйган ялпи ички маҳсулот ва экспорт ҳажмини карра-карра ошириш, sanoatни, ахборот технологияларини жадал ривожлантириш, давлатни, халқни бой қилишдек улкан марралар илдиши мактаблар билан туташдир. Зотан, бугун мактабларда сабоқ чиқараётган эртаимиз эгалари тимсолида мамлакатимиз тақдирини кўраимиз.

## ФАҚАТ ЯПОНЛАР БОЛАПАРВАР ЭМАС

Бугун бола ҳуқуқлари ва манфаатларини кафолатлашда Скандинавия давлатлари етак-



чи ўринда экани, болани чин маънода етук шахс қилиб тарбиялашда японларнинг тутуми нақадар натиждорлигини инкор этмаймиз. Ҳавас қиладиган, намуна оладиган жойлари кўп. Шу юнани бирга халқимиз тийнатидаги болажонлик бугунга келиб давлатимиз олиб бораётган ижтимоий сиёсатга омухта бўлиб, сингий кетганини ҳам фахр билан айта оламиз. Болапарварлик, яъниким, болаларни ҳар қандай вазиятда ва ҳар томонлама химоя қилиш, бу борада миллий, умуминсоний кадриятларни амалиётга татбиқ этиш қонун ҳужжатларимизда ҳам, давлатни ривожлантириш дастурларида ҳам, ҳатто жамият ҳаётига дахлдор ташаббус ва ғояларимизда ҳам ўз инъикосини топаётгани ҳақиқат-ку ахир! Қайси жабҳани олиб қараманг, унинг истиқболини белгилашда айнан ўсиб келаётган авлод – болалар манфаати нуқтаи назаридан ҳаққил ёндашувлар мавжудлигини кўраимиз.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳам ривожланишда ижтимоий устуворликка ургу бериб, жумладан, таълимда тенгликни таъминлаш орқали болаларнинг конституциявий ҳуқуқларини кафолатлаш йўлида муҳим ташаббусларни илгари суриб келмоқда. Ана шундай ташаббуслардан бири – бу мактаб ўқувчилари жамоат транспортининг барча турларидан бепул фойдаланишини ташкил этиш билан боғлиқ.

Тўғри, бу ташаббусни рўёбга чиқариш давлат учун осон кечмаслиги бир қарашдаёқ рўйи рост кўринади. Айниқса, оқибатларини олдиндан прогноз қилиш мушкул бўлган ҳозирги глобал иқтисодий силсилалар даврида. Бироқ шундай ҳаётӣ факторлар борки, мактаб ёшидаги болаларнинг исталган жамоат транспортидан – у автобусми, поездми, метромми, фарқи йўқ – бепул юришининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини яратиш хомхаёл эмас, балки зарурат экани тобора равшанлашмоқда.

## АВВАЛО ХАВФСИЗЛИК, СЎНГ БОШҚА САБАБЛАР

2021 йили БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) ҳамда Ўзбекистон ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси томонида мактабга борадиган ва оиласида мактаб ўқувчиси бор 7 ярим мингдан зиёд респондентлар ўртасида Ю-Репорт онлайн сўрови ўтказилган эди. Шаҳар ва қишлоқларимиздаги мактабга яқинида йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида ўқувчилар ва ёшлар фикрини ўрганиш мақсадида қаратилган сўровда респондентларнинг 33 фоизи мактаблар атрофида ЙҲХ-ни таъминлаш бўйича ҳеч қандай чора кўрилмаганини қайд этишган. 75 фоиз респондентларнинг жавобларига кўра, мактаб ўқувчилари ўқишга асосан пиёда борадилар. Вилоятлар кесимида бу саволга жавоб беришда сезиларли фарқлар мавжуд эмас. Фақатгина Тошкент шаҳрида республикамизнинг бошқа ҳудудларидан фарқли ўлароқ мактабга пиёда борувчи респондентлар улуши бирмунча камроқ ва 17 фоиз ўқувчиларни ота-онаси ўз машиналарида мактабга олиб бориши, 9 фоизи эса автобусдан, 6 фоизи таксидан ва 2 фоизи метродан фойдаланиши ойдinлашган. Респондентларнинг ярмидан кўпи – 51 фоизи мактабга олиб борувчи йўлларни хавфли, деб ҳисоблаган. Қизиғи, пойтахтда бундай фикрдагиларнинг улуши каттароқ (60 фоиз), Сурхондарё (56%) ва Бухоро (54%) вилоятларида ҳам мактабга борувчи йўллар хавфсиз эмас, деган хулосани берганлар салмоқли қисмини ташкил этган.

Ўтган уч йил ичида яна шундай сўров қайта ўтказилди-йўқми, бунга доир маълумотга бошқа дуч келмадик. Лекин, шуниси аниқки, мана шу қисқа вақт ичида болаларимизнинг мактабга бориб-келишида йўл ҳаракати хавфсизлиги кафолатлари ҳамда бошқа эҳтиёт чораларини кўришда катта силжишлар рўй берди, деб айтолмаймиз. Аксинча, йўллар болаларимиз учун янада хавфли бўлиб бормоқда. Йўқса, газетамизнинг аввалги сонидан чоп этилган “Ўлимга сабаб бўлиш эҳтиётсизлик эмас” номли мақолада келтирилганидек, ҳар йили юзлаб болаларимиз ИТХ туфайли нобуд бўлмасди ёки ногиронлик аравасига михлаиб қолмасди.

Ёхуд ўтган йили Янгиҳаёт туманида мактабдан қайтаётган 12 ёшли Муслимининг разил кимса қўлида фожеали ўлим топиши барчамизни чуқур ачиниш баробарида фарзандларимиз хавфсизлиги масаласида янада хушёр тортиргани рост.

Модомики, болаларни мактабга

қатнашда шу каби турли кўнгилсизликлардан, фалокатлардан асраш ҳамон кун тартибда турган экан, бунга ечим топиш таълим муассасалари, маҳаллий ҳокимликлар ва давлат олдига долзарб вазифаларни қўймоқда. Мазкур йўналишда оила ва жамият институтлари ҳамкорлигига эҳтиёж ортмоқда.

ХДПнинг бу борада Сайловолди дастурига киритган юқоридаги таклифи мактаб ёшидаги болаларни ижтимоий химоялаш, улар ҳаётига хавф солувчи турли хатарларнинг олдини олиш мақсадлари билан уйғундир. Қолаверса, кўп болали, кам таъминланган оилалар учун маълум даражада иқтисодий мадад бўлса, яна бир томондан ва асосийси, замон талабларига мос таълим инфратузилмасини, фарзандларимиз учун ҳар томонлама қулайликни яратишда сезиларли ўзгаришларга тўртки беради.

## ДУНЁ ЎЗГАРМОҚДА

Ривожланган давлатлар таълим босқичидан аёнки, болаларнинг мактабга бориб-қайтиши учун махсус автобуслар йўлга қўйилган. Ҳа, ўша кўрганимиз, билганимиз – сариқ ёки зарғалдоқ рангдаги мактаб автобуслари. Баъзи ўлкаларда болаларни мактабга ташиш учун автобуслар мактаб маъмурияти ва ота-оналар келишуви асосида ташкил қилиниб, бунинг харажатларини ота-оналар кўтарса, (масалан, АҚШнинг қатор штатларида), баъзи юртларда бу мажбуриятни ҳукумат тўлиғича ўз зиммасига олган (Хитой, Испания бунга мисол).

Люксембургда эса 2020 йилдан автобус, трамвай ва поездларда нафақат болалар, балки аҳолининг ҳамма қатлами ва ҳатто сайёҳлар учун ҳам йўлқиралар бекор қилинди. Мақсад шахсий автомобиллардан фойдаланишни қисқартириш ва шу орқали атрофмуҳит мусаффолигини асрашга улуш қўшиш, йўлларда тирбандликларни, аварияларни камайитиришдан иборат эди. Ўтган йиллар

давомида Люксембургдаги бу таълим нафақат ижтимоий, экологик, балки иқтисодий жиҳатдан ҳам ўзини оқлаётгани ҳақидаги фикрлар янграмоқда.

Дунё ўзгармоқда. Қарашлар, мақсадлар катталашмоқда. Бу ўзгараётган дунё шиддатидан асло четда туриб бўлмайди. Гап келажимиз ворислари бўлган болалар манфаатлари ҳақида борганда, илгор ютуқлардан чўчимаслик керак, назаримизда.

## МАКТАБ АВТОБУСЛАРИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛАДИ

Президентимизнинг 2023 йил 11 сентябрдаги Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон-2030” стратегиясига кўра, умумий ўрта таълим тизимида “Таълим учун қулай муҳит” дастури амалга татбиқ қилиниши белгиланди. Ушбу дастурда мактаблардаги инфратузилмалар (ичимлик суви, иссиқлик таъминоти, канализация тармоқлари ва ҳоказо)ни яхшилаш билан бир қаторда олис, чекка ҳудудларда жойлашган 715 та мактаб ўқувчилари учун бепул мактаб автобусларини ташкил қилиш кўзда тутилмоқда.

“Ўзбекистон-2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурига мувофиқ 2024 йил 1 сентябрдан бошлаб Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида таъриба-синов тариқасида умумий ўрта таълим мактабларига олис ҳудудлардан қатнайидиган ўқувчилар учун бепул автобуслар қатнови йўлга қўйилиши кутиляпти.

Кўз очиб-юмгунча янги ўқув йили ҳам бошланади. Болаларнинг мактабга келиб-кейтиши учун бепул автобуслар қатновини ташкиллаштириш борасида ушбу жанубий воҳаларда қандай амалий ишлар бажарилаётгани билан қизиқдик.

Сурхондарё вилоят мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси бошлиғи ўринбосари Жасур Йўлдошевнинг таъкидлашича, янги ўқув йилидан туманларда жами 59 та мактабда ўқувчилар учун бепул транспорт («Дамас» русумли) қатнай бошлади. Бу куннинг жазирмаси-ю қишнинг қаҳратонида бир неча километр йўл босиб мактабга келадиган 4 минг 541 нафар ўғил-қиз учун катта имконият демакдир.

Қашқадарё вилоят мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси ахборот хизмати эса ҳудуд бўйича мактабга олис манзиллардан қатнайидиган болалар учун 50 та махсус автобус ажратилишини маълум қилди.

Ҳар иккала вилоятда ҳам ушбу транспорт хизматлари аутсорсинг асосида амалга оширилади.

\*\*\*

Таълим Ўзбекистон Республикаси ижтимоий тараққиёти соҳасида устувор деб тан олинади. Таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерга эга бўлиши учун мамлакатимизда барча куч-имкониятлар сафарбар қилинмоқда, юксак халқаро таърибалардан келиб чиқиб, соҳанинг қонуний, институционал базаси такомиллаштирилмоқда.

Ушбу жараёнда, сўзсиз, Халқ демократик партияси ҳам ёш авлоднинг сифатли таълим олишини кафолатлашга қаратилган залворли ғоя-ташабуслари билан фаоллик кўрсатаётди. Болаларнинг жамоат транспортларидан фойдаланишда қулайликлар яратиш, жумладан, ХДП фаоллари таклиф бераётганидек, мактаб ўқувчилари учун йўлқирани текин қилиш моҳияти ва аҳамиятига кўра ғоятда долзарб бўлиб, бунинг ижтимоий ҳосиласи бекиёсдир.

**Фарида МАҲКАМОВА,**  
“Ўзбекистон овози”  
муҳбири.



## MAVZUGA QAYTIB



Газетамизнинг шу йил 3 июль сониди "Ютмаганга йўл йўқми?" сарлавҳали мақола эълон қилинганди. Танқидий-таҳлилий чиқишда Узун туманидаги "Қўшқоқ" қишлоғига элтувчи беш километрдан ортиқ йўл юз йилдан буён асфальт кўрмагани кўплаб эътирозларни келтириб чиқараётгани ҳақида сўз юритилганди.



# Узун туман ҳокимлигининг хаспўшланган муносабати

Жорий йилнинг 4 июль кuni ушбу ҳолат юзасидан Узун туман ҳокимлиги томонидан расмий муносабат билдирилди. Унда, жумладан, шундай дейилган (имло хато ва жузъий камчиликлар тахрирсиз берилмоқда): "Ўзбекистон Овози" газетаси Узун туманининг Қўшқоқ қишлоғидаги 47-умумтаълим мактаби йўли қишда лой, ёзда тупроқ бўлиб қолиши ҳақидаги танқидий мақолани чоп этган эди. Ушбу мақолада келтирилган муаммолар туман ҳокимлиги масъуллари томонидан ўрганилди. ([https://t.me/uzup\\_ax\\_x/39975](https://t.me/uzup_ax_x/39975))

Ушбу мақолада келтирилган муаммолар юзасидан Узун туман ҳокимлиги қуйидагиларни маълум қилади:

Қўшқоқ қишлоғи Саховат маҳалласида жойлашган бўлиб, мақолада айтилган 47-умумтаълим мактабига олиб борадиган йўлнинг 5 километрга 2023 йил ёзда қум-шағал ётқизиблиб текисланган. Сўнгра 2024 йил баҳор мавсумидаги ёгингарчиликларнинг кўп бўлиши ва сел келиши оқибатида йўлга чуқурликлар пайдо бўлган. Ёгингарчиликлар тугагандан кейин Узун туман ободонлаштириш бошқармаси ва туман йўллардан фойдаланиш давлат муассасаси томонидан чуқурликлар тўлдирилиб, махсус техникалар ёрдамида йўллар қайта текисланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10.10.2023 йилдаги 330-сонли қарорининг 15-бандида "2024 йилдан бошлаб хўжаликларро қишлоқ автомобил йўллари, шаҳарлар, шаҳар посёлкалари, қишлоқлар ва овуллар кў-

чаларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш учун бюджет маблағлари фақат "Менинг йўлим" дастури орқали ажратилади" – дейилган.

Шу сабабли ушбу кўчаларга асфальт қопламаси ётқизиш фақатгина "Менинг йўлим" дастурига лойиҳа сифатида ғолиб бўлгандан кейингина амалга оширилади...."

Ҳокимликнинг тезкор муносабат билдириши яхши, албатта, бироқ кўнги тўлмайдиган жиҳатлар ҳам бор. Биринчидан, унда мазмун-моҳият тўлиқ баён қилинмаган бўлса, иккинчидан, масала ечимига юзаси ва саёз ёндашилгани беш қўлда кўришиб турибди. Хуллас, "бордингми-бординг, кўрдингми-кўрдинг, ёздингми-ёздинг" қабилида хўжақўрсинга иш юритилган.

2024 йилдан бошлаб хўжаликларро қишлоқ автомобиль йўллари, шаҳарлар, шаҳар посёлкалари, қишлоқлар ва овуллар кўчаларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш учун бюджет маблағлари фақат "Менинг йўлим" дастури орқали ажратилиши ҳаммамизга маълум. Бу ҳақида танқидий мақолада ҳам сўз борган. Шунинг учун расмий муносабатда буни қайта-қайта уқтириш ўрнига, масала ечими хусусида гапирилганида эди, айни муддао бўларди.

– "Ўзбекистон овози" газетасига раҳмат, – дейди қўшқоқлик Номоз Йўлдошев. – Мақола эълон қилингандан кейин масъуллар қишлоғимизга келишибди. Уларнинг "ўзунча" – сига иш юритганига қойил қолмасликнинг иложи йўқ. Ҳатто кўчанинг бир парча ўнғайроқ қисмида суратга ҳам тушишган. Аслида ана шу бинойидек қисм ҳам йўловчи юра-

гини безиллатса, уловларни зириллатади. Масъуллар бизга учрашганида эди, йўлимиздаги юзлаб чуқурча-ю ўнқир-чўнқирларни бирма-бир кўрсатган бўлармик...

– Етмиш беш ёшдаман, – дейди яна бир суҳбатдошимиз Эргаш Аллаёров. – Ота-болаларимиз шу ерда яшашган. Аждодлардан "мерос" бўлиб қолган кўчанинг асфальт бўлишини бир неча ўн йиллардан буён кутамиз. Раҳбарлар ярим асрача "ремонт" қилиб берамиз, деб алдашган бўлса, ўттиз-қирқ йилга яқин "Дастурга киритиш" баҳона бўлди уларга. Энди эса "Менинг йўлим", дейдимиз, "Опен бюджет"ми, хуллас, тушунолмайдик...

Яна бир гапни айтмасам бўлмайдик: "Саховат" МФИда тўртта қишлоқ бор. Уларда тўрт мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Чекка ва бориш қийин бўлган "Қўшқоқ"да эса бир ярим минг нафарга

яқин одам умргузаронлик қилмоқда. Уларнинг аксарияти боғча ёшидаги болалар, мактаб ўқувчилари ва кексалардир. Шундай экан, "Менинг йўлим"да ғолиб бўлиш амримаҳол...

Қарийб тўрт ойча олдин – 25 март кuni "Саховат" маҳалла фуқаролар йўғини раиси Чори Жўраев машааши йўлни лойиҳа асосида асфальт қилиш кўзда тутилаётгани ҳақида мактабни гапирганди.

– Ҳаммасидан хабарим бор, – дейди оқсоқол телефон орқали боғланганимизда истеҳзо билан. – Марҳамат, одамлар "Менинг йўлим"га кўйинг деса, кўман. Лекин етарли овоз тўплашга қафолат беролмайман...

– Демак, масала ечими яна халқнинг гарданига қола экан-да?

– Ҳа, шундай...

Айтар сўзимиз кўп, саволлар талайгина. Хўш, қўшқоқликларнинг асрий орзуси қачон ушалади? Ёки ҳақиқатан ҳам ютмаганга йўл йўқми?

Бу борада Узун тумани ҳамда Сурхондарё вилояти ҳокимликларидан амалий натижа ва аниқ жавоб кутиб қоламиз.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**  
**"Ўзбекистон овози" муҳбири.**

**Туман ҳокимлигининг расмий муносабатидаги ҳақиқий ҳолат акс этган суратлар.**

## MA NAVIYAT

## ҲАМКОРЛИК МЕМОРАНДУМИ ИМЗОЛАНДИ

**ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
ТАШАББУСИ БИЛАН ВАЗИРЛИК  
ВА АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
КУТУБХОНАСИ ЎРТАСИДА  
МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ  
Йўналишда ҲАМКОРЛИК  
МЕМОРАНДУМИ ИМЗОЛАНДИ.**

– Вазирлик ва Миллий кутубхона ўртасида ушбу ҳамкорлик меморандумини имзолашдан кўзланган асосий мақсад, – дейди Ички ишлар вазири ўринбосари, генерал-майор Даврон Назармухамедов. – Маданий меросни сақлаш, ўрганиш ва оммалаштириш, илмий ва маданий алоқаларни ўрнатиш, вазирлик ходимлари, ҳарбий хизматчилари ва ўқувчилари ёшларини миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, маънавий етуқ ва баркамол авлод сифатида шакллантириш, ватанпарварлик ва фидойилик руҳини мустаҳкамлаш, шунингдек, ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйишдир.

– Ҳамкорлик меморандуми билан вазирлик ва кутубхонамиз ўртасида ҳамкорлик шартлари ҳамда йўналишларини аниқлаштириб олдик, – дейди Миллий кутубхона директори Умида Тешабоева. – Эндилкида вазирлик ҳамда Миллий кутубхона илмий, маданий-маърифий лойиҳаларни биргаликда ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, Миллий кутубхона фаолиятининг устувор йўналишларини аниқлаш бўйича консултиватив маслаҳатлар бериш, кутубхона фондидаги электрон адабиётлар базасидан фойдаланиш ва уларни тўлдириб боришда ҳамкорлик қилиш, шунингдек, илмий-амалий конференциялар ва семинарларда ҳамкорлик қилиш ва



ўтказиш, ахборот-кутубхона соҳасини такомиллаштириш, томонлар ўртасида ўзаро манфаатли муносабатларни ўрнатиш, илмий-тадқиқот олиб бораётган профессор-ўқитувчиларга Миллий кутубхона фондидан фойдаланишга амалий кўмак бериш каби қатор устувор вазифалар қамраб олинган.

**Ўз муҳбиримиз.**

## Банкоматлар орқали 90 триллион сўм нақдлаштирилди

Марказий банк томонидан тақдим этилган шарҳга кўра, 2024 йилнинг биринчи ярмида банк карталарига 468 трлн сўм маблағлар кирим қилинган бўлиб, бу 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 1,3 баробарга ошган.

Шунингдек, ушбу даврда банк карталаридаги 107 трлн сўм пул маблағлари нақдлаштириб олинган. Нақдлаштирилган маблағларнинг 90 трлн сўми банкоматлар орқали ечилган.

Аҳамиятлиси, банк карталарга келиб тушган маблағларнинг нақдлаштириб олиниши улуши йилдан-йилга камайиб бормоқда. Хусусан, жорий йил биринчи чорагида банк карталаридаги 23 фоиз маблағлар ечиб олинган бўлса, бу кўрсаткич 2023 йилда 24 фоизни ва 2022 йилда 28 фоизни ташкил қилган.

Маълумот учун, банкларга тушган нақд пулларнинг уларга бўлган талаб ўртасидаги фарқ Марказий банк томонидан муомалага қўшимча нақд пулларни чиқариш орқали таъминлаб борилди.

Жумладан, Марказий банк томонидан олти ой мобайнида муомалага қўшимча 4,1 трлн сўм нақд пуллар чиқарилди. 2024 йил 1 июль ҳолатига умумий пул массасидаги нақд пулларнинг улуши 21,1 фоизни ташкил қилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 3,7 фоиз бандга пасайди.



**Тоттемир МУРОД.**

**MUASSIS:**



**ЎЗБЕКИСТОН  
ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК  
ПАРТИЯСИ  
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ**

**O'zbekiston Ovozi**

**TAHRIR HAY'ATI:**

Ulug'bek INOVATOV  
Ulug'bek VAFOYEV  
Maqsuda VORISOVA  
Qalandar ABDURAHMONOV  
Guliston ANNAQILICHEVA

Muslihidin MUHIDDINOV  
Hayotxon ORTIQBOYEVA  
Toshtemir XUDOYQULOV

**Bosh muharrir: To'liqin TO'RAXONOV**

**MANZILIMIZ:** 100029, Toshkent, Mустақиллик майдони 5/3

**Телефонлар:** (71) 239-12-14

**Реклама бўлими:** (91) 190-19-49. E-mail: [uzbovozi@mail.ru](mailto:uzbovozi@mail.ru)

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.  
Korxonа manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.  
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: **Ravshan SHODIYEV**  
Sahifalovchi: **Bezkod ABDUNAZAROV**

Г — 737. 3328 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni —

Topshirilgan vaqti —

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.